

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Кулдошев Абдумалик Устаевич*

*Подполковник*

**Аннотация:** Мазкур мақолада, Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси ва ходимларнинг нафақат таълим тарбияси балки уларнинг ҳуқуқий маданияти ва жанговор шайлигини кучайтириш билан боғлиқ фаолияти илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, концепцияс, таълим-тарбия, ёшлар, замонавий билим.

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada , Ichki ishlar organlarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni tashkil etish konsepsiyasi va xodimlarning nafaqat ta'lim tarbiyasi balki ularning huquqiy madaniyati va jangovor shayligini kuchaytirish bilan bog'liq faoliyati ilgari surilgan.

**Kalit so'zlar:** Ichki ishlar organlarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni tashkil etish, konsepsiyas, ta'lim-tarbiya, yoshlar, zamonaviy bilim.

Вугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимизга қўяётган бири-бирдан мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг учими айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш билан боғлиқ тарбиявий тушунчалар ҳақида Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев Ички ишлар органлари ходимлари билан бўлган учрашувларда бу соҳа халқ манфаати учун хизмат қилар экан уларда энг аволла халқчил тузилмаган айлантириш зарурлигини ва халқ дардини енгил қилиш керак деган эзгу вазифаларни такидлаб келмоқдалар.

Айнан, Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясининг асосий бош ғояси ҳам шу фаолиятни кенг қамраб олганлиги, бугунги кунда бу борада ходимларнинг нафақат таълим тарбияси балки уларнинг ҳуқуқий маданияти ва жанговор шайлигини ҳам кўтариш уларни замон ҳамда ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда тарбиялаш ва малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар *"Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш-олий бурчимиз!"* концептуал ғояси асосида ташкил этилади, унда давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг

ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясининг асосий ғоясининг мазмун-моҳияти фуқароларнинг тинчлиги ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши курашишда ўз жонини аямайдиган, ватанпарварлик, фидойилик, садоқат ва ҳалоллик фазилатларига эга ходимларни шакллантиришдан иборат<sup>1</sup>.

Ҳар бир миллат ва халқ фарзанди ўз келажаги пойдеворини мустаҳкам бўлишини истар экан, аввол бор ўз аждодлари босиб ўтган ўтмиши ва улар қолдирган бой меросий маънавий ахлоқий кечмишларини таҳлил қилиши лозим. Зеро, тарих буюк мураббийлик хусусиятига эга бўлиб, у бизни бугунги тинч ва осуда даврнинг кадрига етишимиз ва фаравон, тўкин ҳаётимиз учун шукроналик туйғуларини хис қилишимизга ундайди. Ўтмишни билмасдан туриб, келажак сари интилиш хотлигини намаён қилади.

Марказий Осиё шундай ўлкаки, унда дунёга донғи кетган алломалар, буюк ҳадисшунослар, саркардалар, ватанпарвар фидойилар камол топган диёр эканлигини бутун дунё мамалакатлари билади. Шулар жумласидан, Туркистон тупроғини маънавий қолоқликдан олиб чиқиш, маърифат орқали мустабид тузумга қарши шарафли курашга бел боғлаган ватанпарвар, фидойий жонкуяр жадидчилар ҳар биримиз учун юксак, шарафли бурчни адо этган аждодлар тимсоли сифатида ўрناق бўла олади ва уларни бой тарихий маънавиятлари ҳамда мерослари ҳозирги кунга қадар қадирлаб ўқилмоқда ва фойдаланилмоқда. А.Авлоний, М.Беҳбудий, А.Фитрат, М.Абдурашидхонов каби халқи ва миллати учун эзгу мақсадда захмат чеккан зиёли<sup>2</sup>, ватанпарварлар ўзлигини, кимлигини англаган халқ кимларгадир қарам ва муте бўлиб яшамаслигини жуда яхши тушунган.

Ички ишлар вазирлиги тизимида маънавий-маърифий ишларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиш мақсадида ички ишлар органларининг таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш бўйича қабул қилинган Концепцияга биноан тарбиявий ишларни қуйидаги чора-тадбирлар орқали амалиётга жорий этилади:

► **маънавий-маърифий тарбия** ўз ичига миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш, Ватан озодлиги йўлида қахрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли умр йўлини кенг тарғиб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарори

<sup>2</sup> Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 6 | 2022 ISSN: 2181-1385 Cite-Factor: 0,89 | SIS: 1,12 | SJIF: 5,7 | UIF: 6,1 714 June, 2022 [https://t.me/ares\\_uz](https://t.me/ares_uz) Multidisciplinary Scientific Journal

этиш тадбирларини қамраб олиб, хизмат бурчини бажариш бўйича қатъий ҳаётий эътиқодни қарор топтиришга қаратилади;

▶ **оилавий-маиший тарбия** доирасида ходимларнинг оила аъзолари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, улар томонидан ходимларга касбий бурчини бажаришга руҳий кўмаклашишга қаратилган тадбирлар ўтказилади;

▶ **якка-тартибдаги тарбиявий ишлар** ходимларда касб учун зарур бўлган шахсий фазилатларни шакллантиришга, уларни хизмат интизоми ва қонунчиликка қатъий риоя этишга йўналтиради.

Хулоса қилиб айтганда ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларнинг асосий мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- ▶ тарбиявий ишлар;
- ▶ тарғибот-ташвиқот ишлари;
- ▶ психологик фаолият;
- ▶ ижтимоий-ҳуқуқий фаолият;
- ▶ маданий тадбирлар.

▶ Тарбиявий ишлар ватанпарварлик, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, оилавий-маиший тарбия ҳамда якка тартибдаги тарбиявий чора-тадбирлардан иборат.

▶ Ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш доирасида уларда Ватанга садоқат, касбига нисбатан ғурур ҳиссини шакллантириш, жамоат хавфсизлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши курашишда шахсий масъулиятни оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ўтказиб борилади;

▶ ижтимоий-сиёсий тарбия доирасида ходимларга ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қонунчилик ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун-моҳияти тизимли равишда етказиб борилади ҳамда уларда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан онгли муносабат ва фаол ҳаётий позиция шакллантирилади;

▶ маънавий-маърифий тарбия ўз ичига миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли умр йўлини кенг тарғиб этиш тадбирларини қамраб олиб, хизмат бурчини бажариш бўйича қатъий ҳаётий эътиқодни қарор топтиришга қаратилади;

▶ оилавий-маиший тарбия доирасида ходимларнинг оила аъзолари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, улар томонидан ходимларга касбий бурчини бажаришга руҳий кўмаклашишга қаратилган тадбирлар ўтказилади;

▶ Якка-тартибдаги тарбиявий ишлар ходимларда касб учун зарур бўлган шахсий фазилатларни шакллантиришга, уларни хизмат интизоми ва қонунчиликка қатъий риоя этишга йўналтиради.

▶ Тарбиявий йўналишда ходимларнинг онги ва тафаккурига кучли таъсир кўрсатадиган, қалбига етиб борадиган, қайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган ҳамда замонавий ахборот ва тарғибот технологияларини қўллаган ҳолда таъсирчан руҳда ўтказиладиган тадбирлар ташкил этилади.

▶ Тарғибот-ташвиқот ишлари ходимларга мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ишларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш, ички ва ташқи сиёсатнинг тенденциялари ҳақидаги маълумотларни тизимли равишда етказиб боришдан иборат.

▶ Психологик фаолият ходимларнинг руҳий ҳолатини кузатиш ҳамда уларнинг шахсий фазилатлари ва жамоадаги муносабатларини касбий бурчини самарали бажаришга йўналтиришдан иборат.

▶ Ижтимоий-ҳуқуқий фаолият ходимлар, фахрийлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларга ҳар томонлама моддий ва маънавий кўмаклашишга қаратилган тадбирлардан иборат.

▶ Маданий тадбирлар ходимлар онгида миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром ҳис-туйғуларини ошириш, юксак эстетик дид ва ахлоқий меъёрларни шакллантириш, Ўзбекистон халқининг бой тарихи, маданияти, анъаналари ва урф-одатларига ҳурмат, миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини оммавий тадбирлар (музей, театр, кино, истироҳат боғлари, концерт ва бошқа тадбирларга ташрифлар) орқали сингдиришдан иборат.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3413-сон Қарори;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон Қарори;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5076-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги. Ёшларни ҳарбийватанпарварлик руҳида тарбиялаш // Услубий қўлланма. – Т., – 2018. Б.

6. Мунавварова М. Миллий ғоянинг маънавий илдизлари // – Т., 2011. – Б. 3-22.

7. Рўзиева Д.И. Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантириш оид методик тавсиялар – Т., . – Б. 3;

8. И.О.Хайдаров ”[Роль информационно-просветительской деятельности в формировании патриотических качеств у военнослужащих. Бюллетень евразийских исследований, 2024.30, с 1–3.](#)